

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УБАЙДУЛЛАЕВ ШАХБОЗ АББОСОВИЧ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ФОНИДА ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БИЛАН
ОҒРИГАН ВА COVID-19 ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА МАРКАЗИЙ
ГЕМОДИНАМИКА ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИ ВА ЭНДОТЕЛИАЛ
ФУНКЦИЯСИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Убайдуллаев Шахбоз Аббосович

Қандли диабет фонида юрак ишемик касаллиги билан оғриган ва COVID-19 ўтказган беморларда марказий гемодинамика функционал ҳолати ва эндотелиал функцияси 3

Убайдуллаев Шахбоз Аббосович

Функциональное состояние центральной гемодинамики и функции эндотелия у больных ишемической болезнью сердца на фоне сахарного диабета перенесших COVID-19 31

Ubaydullaev Shakhboz Abbosovich

Functional state of central hemodynamics and endothelial function in patients with coronary heart disease against the background of diabetes mellitus who have had COVID-19 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 65

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УБАЙДУЛЛАЕВ ШАХБОЗ АББОСОВИЧ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ФОНИДА ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БИЛАН
ОҒРИГАН ВА COVID-19 ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА МАРКАЗИЙ
ГЕМОДИНАМИКА ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИ ВА ЭНДОТЕЛИАЛ
ФУНКЦИЯСИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2414 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи	Аляви Анис Лютфуллаевич тиббиёт фанлар доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	Гадаев Абдигаффор Гадаевич тиббиёт фанлар доктори, профессор Сирожиддинова Нигора Зайнутдиновна тиббиёт фанлар доктори
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ кунни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел/факс: (+99871) 234-16-67, e-mail: info@cardiocenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052. Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел/факс: (+99871) 237-31-57).

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2024 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Д.Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Г.У.Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б.Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгорлиги. Дунёда сўнгги йилларда олимлар ва амалиётчи мутахассислар томонидан инсон юрак-қон томир касалликлари (ЮҚК) ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ЮҚК, шу жумладан юрак ишемик касаллиги (ЮИК) дунёдаги ўлимларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Улар инсоният саломатлиги ва турмуш фаровонлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимларига сезиларли иқтисодий юкламани беради. ЖССТ маълумотларига кўра, «ЮҚК дунёдаги ўлимларнинг асосий сабаби бўлиб, ҳар йили 17 миллиондан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлади. Улардан тахминан 7,4 миллион ўлим ҳолати ЮИК туфайли содир бўлиб»¹, бу юрак-қон томир касалликларининг энг кенг тарқалган турига айлантиради.

Дунё олимлари эндотелиал функция бузилишлари ва марказий гемодинамика ҳолатининг ЮИК, айниқса, 2ТҚД фонидagi беморларни даволашга таъсирини фаол ўрганмоқдалар. Ушбу кўрсаткичлар натижаларни прогнозлаш ва даволаш тактикаси танловида асосий аҳамиятга эга. Муаммо 2020 йилда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан COVID-19 пандемияси эълон қилиниши билан янада кучайди. Сўнгги маълумотларга кўра, COVID-19 эндотелиянинг тизимли шикастланишига сабаб бўлади, бу эса юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморлар ҳолатини сезиларли даражада ёмонлаштиради. ЮИК ва 2ТҚД билан оғриган беморларда COVID-19 инфекциясини бошдан кечириш марказий гемодинамиканинг бузилиши, эндотелиал дисфункциянинг кучайиши ва асоратларнинг ривожланишига олиб келади, бу эса муаммони замонавий кардиология учун долзарб қилади. Бутун дунёда, шунингдек, мамлакатимизда ЮИК ва 2ТҚД билан оғриган, COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган беморларда марказий гемодинамика кўрсаткичлари ва эндотелия фаоллигини баҳолаш жуда муҳимдир. Бу постковид асоратларининг олдини олиш ва даволаш натижаларини яхшилаш учун зарур. Ушбу тадқиқотлар терапия ва иккаламчи профилактикада персоналлаштирилган ёндашув учун янги имкониятларни очади.

Мамлакатимизда аҳолига курсатилаётган кардиологик хизматлари сифатини яхшилаш, хуудларда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва самарали даволаш ишларини кенгайтириш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таминлаш бўйича кенг чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг «2022-2026 йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегияси»² аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича вазифалар киритилган. Шу муносабат

¹ ЖССТ Статистик таҳлил, 2019.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

билан юрак-қон томир касалликларида тиббий ёрдам кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш, даволашни оптималлаштириш ва беморларнинг хаёт сифатини яхшилаш учун инновацион технологиялар жорий этиш, бунинг натижасида юрак-қон томир касалликларидан ногиронлик ва ўлим ҳолатларини олдини олиш ўта долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 27 сентябрдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2022-йил 26-январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларини олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда, мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммоннинг ўрганилганлик даражаси.

Дунёда COVID-19 билан касалланган беморларда эндотелиал дисфункция ва марказий гемодинамиканинг бузилиши юрак-қон томир асоратларининг ривожланишига сабаб бўладиган асосий омиллар сифатида тан олинган. Бу ҳолат касалликнинг оғир кечиши ва прогнозини ёмонлаштиради. Халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатадики, COVID-19 инфекцияси организмда яллиғланиш, гиперкоагуляция ва эндотелиал дисфункцияни кучайтириб, айниқса, 2-тип қандли диабет ва юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда оғир асоратларга олиб келади (Paula P., 2024; Rohit W., 2022; Sangeetha P., 2023). Беморларда эндотелиал ҳужайраларнинг зарарланиши, қон ивиши ва микроциркуляциянинг бузилиши COVID-19нинг оғир кечишини башорат қилиш учун муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

МДХ мамлакатларида ҳам COVID-19 билан боғлиқ юрак-қон томир асоратларини ўрганишга қаратилган қатор тадқиқотлар ўтказилган. Россияда эндотелиал дисфункцияни бошқариш учун турли антикоагулянтлар ва эндотелийни тикловчи воситалар самарадорлиги аниқланган (Иванов П.А., 2023). Қозоғистонда COVID-19 ўтказган беморларда яллиғланиш биомаркерлари, коагулограмма ва эндотелиал функция кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида даволашнинг янги ёндашувлари таклиф қилинган (Асанов Ж.К., 2022). Бошқа тадқиқотларда юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда эндотелиал дисфункция ва тромботик асоратларнинг хавфини камайтириш учун ривожланган терапевтик алгоритмлар қўлланилган

(Николаев А.В., 2023).

Ўзбекистонда турли патологияларга эга бўлган беморларда COVID-19дан кейин эндотелиал дисфункцияни баҳолаш бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, эндотелий функциясини тиклаш учун L-карнитин ва антиоксидант препаратларнинг қўлланилиши ижобий натижалар берган (Даминов Б.Т., 2023). 2-тип қандли диабетга эга беморларда эндотелиал дисфункцияни тўлиқ баҳолаш учун функционал тестлар ва лаборатор кўрсаткичларнинг аҳамияти тасдиқланган (Алиева А.В., 2023). Бироқ, 2-тип қандли диабет фонида юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда COVID-19дан кейинги эндотелиал дисфункция ва гемодинамик кўрсаткичларнинг чуқур таҳлили етарлича ўрганилмаган.

Ўтказилган илмий тадқиқотлар ва мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистонда COVID-19 ўтказган, 2 тип қандли диабет фонида юрак ишеким касаллиги бор беморларда лаборатор, инструментал ва функционал тестлардан фойдаланган ҳолда касалликнинг оғирлигини ва эндотелиал дисфункцияни аниқлаш орқали ташхисни оптималлаштиришга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш керак деган хулосага келиш мумкин. Шу муносабат билан касалликнинг оғирлигида яллиғланиш омиллари ва биомаркерларнинг аҳамиятини ўрганиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш ва асоратларни башорат қилиш долзарбдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши FZ-2020103184 “2 тип қандли диабет билан бирга келган юрак-қон томир ва буйрак асоратларини ташхислаш ва даволаш технологиясини яратиш” амалий лойиҳаси доирасида амалга оширилди (2023-2024).

Тадқиқотнинг мақсади қандли диабетнинг 2 тури ва COVID-19 ни бошдан кечирган юрак ишемик касаллиги бўлган беморларнинг оғирлик даражасини эндотелий дисфункцияси ва юрак ичидаги гемодинамика диагностик мезонлари асосида баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 ни бошдан кечирганига қараб, қандли диабетнинг 2 тури ва юрак ишемик касаллиги бўлган беморларнинг клиник ва антропометрия параметрлари, периферик гемодинамика кўрсаткичларини баҳолаш;

Қандли диабетнинг 2 тури ва COVID-19 ни бошдан кечирган юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда эхокардиография усули ёрдамида юракнинг чап бўлими, кичик қон айланиш доираси гемодинамика кўрсаткичлари, интима-медиа комплекси қаватини ҳамда каротид артерияларнинг атеросклероз даражасини баҳолаш;

COVID-19 ни бошдан кечирганлик билан аниқланган юрак ишемик касаллиги ва қандли диабетнинг 2 тури бўлган беморларда яллиғланиш фаоллиги ва эндотелий дисфункцияси белгилари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

COVID-19 ни бошдан кечирган юрак ишемик касаллиги ва қандли диабетнинг 2 тури бўлган беморларнинг оғирлигини баҳолашни эндотелий дисфункциясини диагностикалашга оид ёндашувлар асосида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида COVID-19 ўтказган 2 тип қандли диабет фонида ЮИКга чалинган 120 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида лаборатор ва биокимёвий текширувлар учун веноз қон ва зардоб, ЭКГ, ЭхоКГ, ИМҚ, сўровнома олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, инструментал, лаборатор-биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 инфекцияси танаси вазнининг ошиши, артериал гипертензия назоратининг ёмонлашиши ва эндотелийга боғлиқ вазодилатациянинг пасайишига боғлиқ эканлиги аниқланган;

Тадқиқотда ўпка гипертензияси, интима-медиа комплекси қўлланиши ва каротид артерияларида атеросклеротик зарарланишнинг кўпроқ кузатилганлиги аниқланган;

Яллиғланиш маркерларининг юқори даражаси эндотелийга боғлиқ вазодилатациянинг ёмонлашиши билан боғлиқ эканлиги аниқланган;

Бел-сон нисбати, интима-медиа комплекси ва интерлейкин-6 даражаси юрак-қон томир асоратлари хавфини баҳолашда муҳим кўрсаткичлар эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

антропометрия параметрлари, хавф омиллари, лаборатория-биокимёвий ва инструментал текширув натижалари қандли диабетнинг 2 тури ва COVID-19 ни бошдан кечирган ИЮК касаллиги бўлган беморларда эндотелий дисфункциясининг оғир бузилишлари ва касалликнинг кечишини баҳолашда асосланган;

COVID-19 ни бошдан кечирган, қандли диабетнинг 2 тури ва ишемик юрак касаллиги бўлган беморларда лаборатория-биокимёвий кўрсаткичлар, диастолик ва эндотелий дисфункциясини баҳолаш учун диагностика мезонлари ишлаб чиқилиб, асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида кулланиладган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жихатдан тўғрилиги, беморлар сонини етарлиги, кулланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга зарурий клиник, биекимевий, лаборатор-инструментал, ҳамда статистик усуллар ердамида ишлов берилганлиги, хорижий ва маҳалий тадқиқоткалар билан таққослангани, хулоса ва олинган натижаларни вақолашли тузилма томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

COVID-19 ни бошдан кечирган, қандли диабетнинг 2 тури билан ишемик юрак касаллиги бўлган беморларда касаллик оғирлигини баҳолашда

лаборатория-биокимёвий кўрсаткичлар ва диастолик, эндотелий дисфункциясининг аҳамияти изоҳланади;

COVID-19 ни бошдан кечирган қандли диабет ва ишемик юрак касаллиги бўлган беморларда диастолик ва эндотелий дисфункцияси, шунингдек лаборатория-биокимёвий ўзгаришларга асосланган клиник-прогностик аҳамият кўп факторли логистик регрессия модели ёрдамида изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи даражасида юрак-қон томир касалликларини олдини олишга ёндашувларни оптималлаштиришдан бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: COVID-19 инфекцияси танаси вазнининг ошиши, артериал гипертензия назоратининг ёмонлашиши ва эндотелийга боғлиқ вазодилатациянинг пасайишига боғлиқ эканлиги аниқланган бўлиб, ушбу даволаш тактикаси бўйича таклифлар Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 25.06.2024 йилдаги № 01/27 сонли маълумотномаси билан тасдиқланган “COVID-19 ўтказган 2 тип қандли диабет фонида юрак ишемик касаллигига чалинган беморларда эндотелиал дисфункцияни ташхислаш тамойилларини такомиллаштириш” услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур янгилик Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 30 октябрдаги 53-сонли буйруғи, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиалининг 2023 йил 4 ноябрдаги 151-сонли буйруғи, Тошкент вилояти соматик касалликлар шифохонасининг 2023 йил 13 ноябрдаги 70-сонли буйруғи ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг 2023 йил 22 ноябрдаги 02-05/2417-сонли буйруғи асосида амалий фаолиятга татбиқ қилинди. **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** ЮИК ва 2ТҚД билан оғриган ва COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган беморларда семизлик, томир реактивлигининг пасайиши ва АГ назоратининг ёмонлашуви ўртасидаги боғлиқлик аниқланди. Олинган маълумотлар ушбу беморлар тоифасида юрак-қон томир асоратларининг патогенезини аниқлаштиришга ва эндотелиал дисфункциянинг ушбу бузилишларнинг ривожланишида асосий алоқаси сифатида аҳамиятини кўрсатди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижалари вазни бошқариш ва томир бузилишларини тuzатишга персоналлаштирилган ёндашув зарурлигини кўрсатади. Бу беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, юрак-қон томир касалликлари асоратларининг камайишига ва касалликларнинг иккаламчи профилактикасининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: тавсияларнинг жорий этилиши ЮИК ва 2ТҚД билан оғриган беморларни даволаш бўйича иқтисодий харажатларни сезиларли даражада камайтиришга имкон беради. Тавсиялар жорий этилишидан олдин бир беморни диагностика қилиш ва даволаш учун йиллик ўртача 8 125 000 сўм сарфланган бўлса, жорий этишдан кейин бу харажатлар

5 325 000 сўмгача камайди. Бу эса бир бемор учун йилига 2 800 000 сўмлик иқтисодий тежамкорликни таъминлади ва соғлиқни сақлаш тизимига тушадиган юкни сезиларли даражада камайтирди.

иккинчи илмий янгилик: Тадқиқотда ўпка гипертензияси, интима-медиа комплекси қўлланиши ва каротид артерияларида атеросклеротик зарарланишнинг кўпроқ кузатилганлиги аниқланган бўлиб, ушбу даволаш тактикаси бўйича таклифлар Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 25.06.2024 йилдаги № 01/27 сонли маълумотномаси билан тасдиқланган “COVID-19 ўтказган 2 тип қандли диабет фонида юрак ишемик касаллигига чалинган беморларда эндотелиал дисфункцияни ташхислаш тамойилларини такомиллаштириш” услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур янгилик Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 30 октябрдаги 53-сонли буйруғи, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиалининг 2023 йил 4 ноябрдаги 151-сонли буйруғи, Тошкент вилояти соматик касалликлар шифохонасининг 2023 йил 13 ноябрдаги 70-сонли буйруғи ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг 2023 йил 22 ноябрдаги 02-05/2417-сонли буйруғи асосида амалий фаолиятга татбиқ қилинди. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* эндотелиал дисфункция, ТИМ кўрсаткичининг ошиши ва ЎГ ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик ЮИК ва 2ТҚД билан оғриган ва COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган беморларда илмий жиҳатдан асосланди. Олинган маълумотлар қон томирларнинг қайта шаклланиш механизмларини аниқлаштиришга хизмат қилади ва ушбу беморлар гуруҳида юрак-қон томир асоратларининг олдини олиш ва прогнозлаш имкониятларини кенгайтиради. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: гемодинамика ва қон томирлари ҳолатининг комплекс баҳоси орқали ЎГ, атеросклеротик шикастланиш ва эндотелиал дисфункцияни ўз вақтида аниқлаш мумкин. Бу оғир юрак-қон томир асоратлари учраш даражасини камайтиради, беморлар ҳаёти сифати ва даволаш самарадорлигини оширади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: таклиф қилинган ёндашув асосида ЎГ ва атеросклерознинг эрта диагностикаси беморларни даволаш учун иқтисодий харажатларни сезиларли даражада камайтиради. Харажатларни минимизация қилиш таҳлили (SMA) қуйидаги формула асосида амалга оширилди:

$SMA = TXQ$ қўлланилишидан олдин – TXQ қўлланилишидан кейин бунда: SMA — харажатларни минимизация қилиш таҳлили; TXQ — методик тавсиялар қўлланилишидан олдин ва кейинги тиббий хизматлар қиймати.

Ҳисоб-китоблар натижаларига кўра:

$$SMA = 8\,125\,000 \text{ сўм} - 5\,325\,000 \text{ сўм} = 2\,800\,000 \text{ сўм.}$$

Шундай қилиб, тавсияларни жорий этиш бир бемор учун йилига 2 800 000

сўм тежаш имконини берди. Бу асоратлар учраш даражасини, шифохонага ётқизилишлар ва узоқ муддатли даволаш курслари эҳтиёжини камайтириш орқали умумий иқтисодий юкни пасайтиради.

учинчи илмий янгилик: Яллиғланиш маркерларининг юқори даражаси эндотелийга боғлиқ вазодилатациянинг ёмонлашиши билан боғлиқ эканлиги аниқланган бўлиб, ушбу даволаш тактикаси бўйича таклифлар Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 25.06.2024 йилдаги № 01/27 сонли маълумотномаси билан тасдиқланган “COVID-19 ўтказган 2 тип қандли диабет фонида юрак ишемик касаллигига чалинган беморларда эндотелиал дисфункцияни ташхислаш тамойилларини такомиллаштириш” услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур янгилик Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 30 октябрдаги 53-сонли буйруғи, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиалининг 2023 йил 4 ноябрдаги 151-сонли буйруғи, Тошкент вилояти соматик касалликлар шифохонасининг 2023 йил 13 ноябрдаги 70-сонли буйруғи ҳамда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг 2023 йил 22 ноябрдаги 02-05/2417-сонли буйруғи асосида амалий фаолиятга татбиқ қилинди. **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** ЮИК ва 2ТҚД билан оғриган ва COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган беморларда яллиғланиш маркерларининг ошиши ва FMD ёмонлашуви ўртасида боғлиқлик аниқланди. Бу эндотелиал дисфункция патогенезида яллиғланишнинг муҳим ўрнини кўрсатади ҳамда яллиғланиш фаоллигини камайтиришга йўналтирилган терапияга персоналлаштирилган ёндашув имкониятларини очади. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: яллиғланиш маркерларини комплекс мониторинг қилиш эндотелиал дисфункцияни ўз вақтида аниқлаш ва терапияни тўғрилаш имконини беради. Бу юрак-қон томир касалликлари асоратлари учраш даражасини камайтиради ҳамда беморларнинг ҳаёти сифатини яхшилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: яллиғланиш маркерларини мониторинг қилиш ва терапияни ўзгартиришнинг жорий этилиши асоратларни даволаш харажатларини камайтиради. Беморларнинг ўз-ўзини назорат қилиш, шунингдек, эрта ногиронликнинг олдини олиш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин. 2-гурух ногиронлиги бўйича нафақа ойига 747 000 сўмни ташкил қилади (28.03.2023 йилдаги №45-сонли қарор), ва ногиронликнинг олдини олиш орқали ҳар бир беморга 747 000 сўм тежаш мумкин.

тўртинчи илмий янгилик: Бел-сон нисбати, интима-медиа комплекси ва интерлейкин-6 даражаси юрак-қон томир асоратлари хавфини баҳолашда муҳим кўрсаткичлар эканлиги аниқланган бўлиб, ушбу даволаш тактикаси бўйича таклифлар Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 25.06.2024 йилдаги № 01/27 сонли маълумотномаси билан тасдиқланган “COVID-19 ўтказган 2 тип қандли диабет фонида юрак ишемик касаллигига чалинган

беморларда эндотелиал дисфункцияни ташхислаш тамойилларини такомиллаштириш” услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур янгилик Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 30 октябрдаги 53-сонли буйруғи, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиалининг 2023 йил 4 ноябрдаги 151-сонли буйруғи, Тошкент вилояти соматик касалликлар шифохонасининг 2023 йил 13 ноябрдаги 70-сонли буйруғи ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг 2023 йил 22 ноябрдаги 02-05/2417-сонли буйруғи асосида амалий фаолиятга татбиқ қилинди. **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** таклиф этилган кўрсаткичлардан фойдаланиш юрак-қон томир касалликлари асоратларини диагностика қилишни яхшилайти ва беморларнинг ҳолати оғирлигини баҳолашнинг аниқлигини оширади. Бу эндотелиал дисфункциянинг прогрессиясини олдини олиш учун ЮИК ва 2ТҚД бўлган беморларни даволаш ва иккаламчи профилактикага ёндашувни оптималлаштиришга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: таклиф этилган методлар юрак-қон томир касалликлари асоратлари хавфини аниқ баҳолаш имконини беради, бу асоратлар учраш даражасини камайтиради, беморлар ҳаёти сифати ва терапия самарадорлигини яхшилайти. Натижалар диагностика ва даволашда индивидуаллаштирилган ёндашувнинг аҳамиятини таъкидлайди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: таклиф этилган маркерларга асосланган диагностика оптимизацияси асоратларни даволаш бўйича харажатларни камайтиради. Тавсиялар жорий этилишидан олдин бир беморни диагностика қилиш ва даволаш учун йиллик ўртача 8 125 000 сўм сарфланган бўлса, жорий этишдан кейин бу харажатлар 5 325 000 сўмгача камайтиди. Бу бир бемор учун йилига 2 800 000 сўмлик тежамкорликни таъминлади ва соғлиқни сақлаш тизими юқини сезиларли даражада камайтирди.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжумандарида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп қилиш учун тавсия этилган жами 17 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шундан 5 та илмий мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 124 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда мақсад ва вазифалари асослаб берилиб, объект ва предмет тавсифланади, Республикада фан ва технологиялар ривожлантирилишининг устувор йўналишларига унинг мувофиқлиги кўрсатилади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, ушбу илмий ишнинг нашриётларда чоп этилиши ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилади.

Диссертациянинг **“COVID-19 ўтказган 2 тип қандли диабет фонида юрак ишемик касаллигига чалинган беморларда эндотелиал дисфункция ва касалликнинг кечиши”** номли биринчи бобда ўрганилаётган мавзу бўйича ўзимиздаги ва хориждаги илмий адабиётлар шарҳи келтирилган. Ушбу бобда юрак ишемик касаллигида муаммоларнинг ҳозирги ҳолати, эпидемиологияси, патогенези, клиник кўринишлари, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари, шунингдек, 2 тип қандли диабетнинг хусусиятлари кўрсатилган. Бундан ташқари, замонавий ёндашувлар асосида COVID-19 ўтказган 2 тип қандли диабет фонида юрак ишемик касаллигига чалинган беморларда касалликнинг кечишини ўзига хослиги, эндотелий функциясининг бузилиши ва марказий гемодинамиканинг функционал ҳолати батафсил баён этилган. Кейинчалик ўрганишни талаб қиладиган бир қатор масалалар аниқланди ва илмий ишнинг долзарблиги асослаб берилди.

Диссертациянинг **“Клиник материал ва тадқиқот усуллари**нинг **умумий тавсифи”** номли иккинчи бобда тадқиқот объекти, предметлари ва усуллари ҳамда қўлланилган статистик усуллар ёритиб ўтилган.

Тадқиқотда COVID-19 ўтказган 2 тип қандли диабет фонида юрак ишемик касаллигига чалинган клиник белгилари бўлган ва клиник белгилари бўлмаган 120 нафар бемор (асосий гуруҳлар) ҳамда назорат гуруҳи сифатида 30 нафар амалий соғлом шахслар иштирок этишди. Тадқиқотга киритилган беморлар 4 гуруҳга бўлинди:

1. COVID-19 ўтказган 2 тип қандли диабет фонида ЮИЖга чалинган беморлар (n=40);

2. COVID-19 ўтказган қандли диабет бўлмаган ЮИЖга чалинган беморлар (n=40);

3. Пандемия даврида COVID-19нинг клиник белгиларини ўтказмаган 2 тип қандли диабет фонида юрак ишемик касаллигига чалинган беморлар (n=40);

4. Амалий соғлом шахслар (назорат гуруҳи, n=30).

Умумий клиник текширувларга анамнезни ўрганиш, антропометрия, артериал қон босимини ва юрак уриши тезлигини доимий ўлчаш, лаборатор-биокимёвий таҳлиллар ҳамда функционал текширувлар кирди.

COVID-19 ни камида 1 ой ва кўпи билан 12 ой олдин бошдан кечирган

беморлар тадқиқотга киритилди, бу эса инфекциянинг марказий гемодинамика ва эндотелий функциясига узоқ муддатли асоратлар беришини баҳолаш имконини берди.

COVID-19 нинг оғирлиги бўйича беморлар қуйидаги мезонларга мувофиқ гуруҳларга ажратилди: энгил шакли – госпитализация қилинмаган; энгил симптомлар (иситма, йўтал, кучсизлик) бўлган, ва улар махсус терапиясиз ўтган; ўртача шакли: пневмония сабабли госпитализация қилинган; ҳаводаги кислород сатурацияси $\geq 94\%$; интенсив терапия ва ўпкани сунъий вентиляциясига эҳтиёж йўқ; оғир шакли: интенсив терапия бўлимига госпитализация қилинган; кислород терапияси ёки ўпкани сунъий вентиляциясини талаб қилувчи нафас етишмовчилиги; ҳаводаги кислород сатурацияси $< 94\%$.

COVID-19 ўтказган қандли диабетнинг 2 тури фонида ЮИК билан оғриган беморларнинг ёши ўртача $63,18 \pm 13,26$ ни ташкил қилди. Касаллик давомийлиги 1 йилдан 7 йилгача бўлган ва ўртача $5,4 \pm 2,3$ йилни ташкил қилди. Беморларда COVID-19нинг энгил, ўртача ва оғир шакллари аниқланган. Қандли диабетнинг 2 тури фонида ЮИКга чалинган беморларда терапияга антиагрегантлар, статинлар, АПФ ингибиторлари ёки сартанлар, бета-блокаторлар, натрий-глюкозали котранспортёрининг 2 тури ингибиторлари, кўрсатма бўйича нитратлар, диуретиклар ва антикоагулянтлар киритилган (1-жадвал). Гуруҳларда эндотелий функциясини баҳолаш учун елка артериясидаги эндолейтга боғлиқ вазодилатация ва лаборатор-биокимёвий усуллар ёрдамида биомаркерлар аниқланди, шунингдек марказий гемодинамиканинг функционал ҳолатини баҳолаш учун эхокардиографик текширувлар ўтказилди.

1-жадвал.

Тадқиқот гуруҳларидаги медикаментоз терапия.

Дори гуруҳлари	ЮИК+2ТҚД + COVID-19	ЮИК + COVID-19	ЮИК+2ТҚД
Антиагрегантлар	Аспирин 75-100 мг/сут, Клопидогрел 75 мг/сут	Аспирин 75-100 мг/сут, Клопидогрел 75 мг/сут	Аспирин 75-100 мг/сут, Клопидогрел 75 мг/сут
Статинлар	Розувастатин 40-80 мг/сут	Розувастатин 40-80 мг/сут	Розувастатин 20-40 мг/сут
АПФ/АРА II ингибиторлари	Лизиноприл 10-40 мг/сут, Лозартан 50-100 мг/сут	Лизиноприл 10-40 мг/сут, Лозартан 50-100 мг/сут	Лизиноприл 10-40 мг/сут, Лозартан 50-100 мг/сут
Бета-блокаторлар	Бисопролол 2.5-10 мг/сут	Бисопролол 2.5-10 мг/сут	Бисопролол 2.5-10 мг/сут

1-жадвал давоми

2ТҚД даволаш учун дорилар	Метформин 500-2000 мг/сут, Инсулин Гларгин	—	Метформин 500-2000 мг/сут, Инсулин Гларгин
SGLT-2	Дапаглифлозин 10 мг/сут, Эмпаглифлозин 10-25 мг/сут	—	Дапаглифлозин 10 мг/сут, Эмпаглифлозин 10-25 мг/сут
Диуретиклар	Фуросемид 20-80 мг/хафта, Торасемид 10-20 мг/хафта	Фуросемид 20-80 мг/хафта	Фуросемид 20-80 мг/хафта
Антикоагулянтлар	Эноксапарин, индивидуал равишда	Эноксапарин, индивидуал равишда	—

Барча гуруҳлардаги беморларда кўкрак қафасидаги оғриқнинг табиати, ЮИК учун анъанавий ва ноанъанавий хавф омиллари (жинс, ёш, ЮИКга нисбатан нохуш наслий мойиллик, чекиш, қандли диабет, қонда холестерин ва липидли спектр миқдорининг ошиши, артериал гипертония, тана вазни индексининг) тарқалиши, елка артериясида эндотелийга боғлиқ вазодилатация, эхокардиографик кўрсаткичлар ва биомаркерлар таққосланди. ЮИК учун нохуш наслий мойиллик ушбу касаллик ёки инсултнинг пайдо бўлиши яқин эркак қариндошларда 55 ёшгача, аёл қариндошларда эса 65 ёшгача деб ҳисобладик. Қандли диабет ташхиси наҳорга оч қоринга веноз қонда глюкоза концентрацияси $>7,0$ ммоль/л, глюкозага толерантлик тестини ўтказгандан сўнг қонда глюкоза миқдори $>11,1$ ммоль/л бўлган тақдирда қўйилди. Агар қонда холестерин ва зичлиги паст липопротеидлар (ХС-ЗПЛП) миқдори >3 ммоль/л ҳамда/ёки қонда холестерин ва зичлиги юқори липопротедлар (ХС-ЗЮЛП) миқдори эркаклар ва аёлларда мос равишда <1 ва 1 ммоль/л бўлса дислипидемия ташхисини қўйдик. Артериал гипертония ташхисини артериал қон босими (АҚБ) 140/90 мм.сим.уст. ва ундан юқори бўлганида аниқланса қўйдик.

Барча беморлардаги умумий қон таҳлили, қондаги қанд миқдори, аланинаминотрансфераза, аспартатаминотрансфераза, билирубин миқдори, мочевина, креатинин ва буйрак функциясининг кўрсаткичи сифатида коптокчалар фильтрацияси тезлиги (КФТ), липид кўрсаткичлари, коагуляцион гемостаз кўрсаткичлари, яллиғланиш ва яллиғланиш олди интерлейкинлари:

Эндотелин-1, Интерлейкин-6, юқори таъсирчан С-реактив оксиди, ММП-3, TNF- α миқдорини клиник-лаборатор усулларда баҳоладик. Эндотелий функциясини елка артерияси томирларининг эндотелийга боғлиқ вазодилатацияси ёрдамида аниқладик.


Ультратовуш текшируви ёрдамида барча беморларда марказий гемодинамиканинг кўрсаткичларини баҳолаш учун эхокардиографик текширув усули ўтказилди.

Олинган маълумотлар статистик ишловдан ўтказилди. Таърифлаш учун жинси, ёши ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган солиштирма жадваллардан фойдаландик. Гуруҳлар орасидаги таққослашларни бир томонлама ANOVA дисперсион таҳлили ва Крускал-Уоллис мезони ёрдамида амалга оширдик. Мумкин бўлган оғишларни хи-квадрат, p-value ишончилигига текширдик. Олинган натижаларни статистик қайта ишлашни IBM PC AT Pentium IV компьютерида тиббий-биологик тадқиқотлар учун тавсия этилган вариацион статистик усуллар ёрдамида амалга оширдик. Натижалар WindowsXPда Microsoft Excel 2003 ва Statistica 6.0 дастурлари ёрдамида қайта ишланди. Кўрсаткичлар вариацион қаторнинг ўртача арифметик қиймати ва унинг стандарт хатоси ($M \pm m$) шаклида тақдим этилди. Ўртача қийматлардаги фарқларнинг ишончилигини Стьюдент t-критерийси ёрдамида баҳоладик. Ўрганилаётган гуруҳда белгиларнинг учраш частотасини баҳолашни χ^2 Пирсон усулида амалга оширдик. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляция мезонини қўллаб, параметрик усулда амалга оширилди. Статистик ишончилик миқдорига $p < 0,05$ ни қабул қилдик. Нисбий хавфни (OR) генетик моделлар ёрдамида ҳисоблаб чиқдик.

Илмий ишнинг **"COVID-19 ўтказган 2 тип ҚД фонида ЮИКга чалинган беморларда клиник-лаборатор ва биокимёвий хусусиятлари бўйича хусусий текширувларнинг натижалари"** номли учинчи бобида COVID-19 ўтказган 2 тип қандли диабет фонида ЮИКга чалинган беморларда марказий ва юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичлари, қон зардобидидаги липид спектри, биокимёвий маркерлар, коагуляцион гемостаз кўрсаткичлари, шунингдек эндотелий функцияси кўрсаткичларини ўрганувчи клиник-инструментал тадқиқотлар натижалари тақдим этилган. Беморлар эндотелий дисфункцияси бўйича 2 гуруҳга бўлинди.

COVID-19 ўтказган 2 тип қандли диабет ва юрак ишемик касаллигига чалинган беморларда елка артериясида эндотелийга боғлиқ вазодилатация индекси бошқа гуруҳлардаги беморларга солиштирганда сезиларли даражада бузилганлиги аниқланди (1-расм).

Елка артериясида эндотелийга боғлиқ вазодилатация



изоҳ: * $P < 0,05$; ** $P < 0,01$

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига кўра юрак ишемик касаллиги бўлган 120 нафар бемор 3 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ – COVID-19 ўтказган 2 тип қандли диабет фонида юрак ишемик касаллигига чалинган беморлар ($n=40$); 2-гуруҳ – қандли диабетга чалинмаган, аммо COVID-19 ўтказган юрак ишемик касалликлари бўлган беморлар ($n=40$); 3-гуруҳ пандемия даврида COVID-19нинг клиник белгилари кузатилмаган 2-тип қандли диабет фонида юрак ишемик касаллиги бўлган 42 дан 70 ёшгача бўлган беморлар киритилди ($n=40$). Таққослаш учун, назорат гуруҳидаги иштирокчилар амалий соғлом шахслар эди (25 дан 62 ёшгача, $n=30$). Гуруҳларни таққослаш учун дастлаб асосий гуруҳдаги беморларнинг антропометрик кўрсаткичларига кўра рандомизацияланган эди. Бунда тана вазни индекси (1-гуруҳда $27,6 \pm 6,8$ кг/м², 2-гуруҳда $26,5 \pm 7,1$ кг/м², 3-гуруҳда $29,5 \pm 7,8$ кг/м²), қорин айланаси (1-гуруҳда $98,4 \pm 12,6$ см, 2-гуруҳда $95,3 \pm 11,7$ см, 3-гуруҳда $94,5 \pm 12,2$ см), сон айланаси (1-гуруҳда $102,4 \pm 14,5$ см, 2-гуруҳда $98,3 \pm 12,7$ см, 3-гуруҳда $87,5 \pm 10,2$ см) ҳамда қорин ва сон нисбати (1-гуруҳда $0,94 \pm 0,11$; 2-гуруҳда $0,92 \pm 0,09$; 3-гуруҳда $0,88 \pm 0,08$) баҳоланди (2-жадвал).

2-жадвал.

Антропометрик кўрсаткичлар

	1 гуруҳ	2 гуруҳ	3 гуруҳ
Тана вазни индекси, кг/м ²	$27,6 \pm 6,8^*$	$26,5 \pm 7,1$	$29,5 \pm 7,8$
Қорин айланаси, см	$98,4 \pm 12,6^*$	$95,3 \pm 11,7$	$94,5 \pm 12,2$
Сон айланаси, см	$102,4 \pm 14,5^{**}$	$98,3 \pm 12,7$	$87,5 \pm 10,2$
Қорин ва сон нисбати	$0,94 \pm 0,11^*$	$0,92 \pm 0,09$	$0,88 \pm 0,08$

изоҳ: * $P < 0,05$; ** $P < 0,01$

Бундан ташқари, таққослаш учун асосий гуруҳдаги беморларнинг ёши (1-гуруҳда 60,21±16,2 ёш, 2-гуруҳда 68,3±14,6 ёш, 3-гуруҳда 65,45±18,4 ёш), жинси (эркаклар нисбати 1-гуруҳда 38%, 2-гуруҳда 42%, 3-гуруҳда 65%), САБ (1-гуруҳда 165,3±21,5 мм.сим.уст., 2-гуруҳда 149,6±14,6 мм.сим.уст., 3-гуруҳда 142,9±13,4 мм.сим.уст.), ДАБ (1-гуруҳда 92,3±8,6 мм.сим.уст., 2-гуруҳда 86,6±7,1 мм.сим.уст., 3-гуруҳда 82,3±4,7 мм.сим.уст.), юрак ишемик касаллигининг давомийлиги (1-гуруҳда 4,8±2,6 йил, 2-гуруҳда 8,6±3,7 йил, 3-гуруҳда 12,4±5,6 йил), юрак уришлари сони (1-гуруҳ: 82,6±12,4 зарба/дақиқа, 2-гуруҳ: 78,5±8,3 зарба/ дақиқа, 3-гуруҳ: 71,6±7,5 зарба/ дақиқа) аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал.

Тадқиқотга киритилган беморларнинг клиник тавсифи.

	1 гуруҳ	2 гуруҳ	3 гуруҳ
Ёш, йилларда	60,21±16,2	68,3±14,6*	65,45±18,4
Жинс (эркак), %	38	42	65
САБ, мм.сим.уст.	165,3±21,5**	149,6±14,6	142,9±13,4
ДАБ, мм.сим.уст.	92,3±8,6*	86,6±7,1	82,3±4,7
ЮИК давомийлиги, йилларда	4,8±2,6	8,6±3,7	12,4±5,6*
ЮҚС, дақиқада зарба	82,6±12,4*	78,5±8,3	71,6±7,5
ЮИК зўриқиш стенокардияси ФСЗ	87,5%	82,5%	82,5%
ПИКС (мавжудлиги)	6 (15%)	12 (30%)	8 (20%)
Анамнезида ТОКА	8 (20%)	9 (22.5%)	7 (17.5%) *
Анамнезида АКШ	2 (5%)	3 (7.5%)	2 (5%) *
АГ 1 даража	12 (30%)	15 (37.5%)	17 (42.5%)
АГ 2 даража	12 (30%)	14 (35%)	13 (32.5%)
АГ 3 даража	16 (40%)	11 (27.5%)	10 (25%)

изоҳ: * $P < 0,05$; ** $P < 0,01$

Тадқиқотда COVID-19 ни бошдан кечиргунга қадар ва кейин юрак ишемик касаллиги (ЮИК) бўлган беморларнинг клиник хусусиятлари маълумотлари ўрганилди. Таҳлил давомида ҳафта ичидаги стенокардия ҳужурали сони (NAAPW) ва истеъмол қилинган нитратлар миқдори (NCW) баҳоланди. Бу маълумотлар COVID-19нинг ЮИК бўлган беморлар ҳолатига таъсирини аниқлашга, шунингдек, уларнинг функционал имкониятлари ва терапияга бўлган эҳтиёжларидаги ўзгаришларни баҳолашга ёрдам беради. COVID-19 га қадар ва ундан кейинги даврлардаги қиёсий таҳлил инфекциянинг клиник кўрсаткичлар ва даволашга қандай таъсир кўрсатганини тушунишга ёрдам беради (4-жадвал).

Тадқиқ қилинаётган гуруҳларда юрак ишемик касаллигининг клиник тавсифи

	Мезонлар	COVID-19дан олдин	COVID-19дан кейин	p-value
1 гуруҳ ЮИК+2ТҚД	NAAPW	1-2	3-4**	0,01
	NCW	1-2	3-4**	0,02
2 гуруҳ ЮИК	NAAPW	0-1	2-3*	0,03
	NCW	0-1	2-3*	0,04
3 гуруҳ ЮИК+2ТҚД	NAAPW	0-1	-	-
	NCW	0-1	-	-

Изоҳ: * $P < 0,05$; ** $P < 0,01$ (NAAPW) Number of Angina Attacks per Week; (NCW) Nitrate Consumption per Week

5-жадвалда беморларнинг биокимёвий кўрсаткичлари ёритилган. 1-гуруҳда умумий холестерин миқдори $7,3 \pm 2,7$ ммоль/л ни ташкил этди, бу 2-гуруҳдаги ($6,2 \pm 2,3$ ммоль/л, $p < 0,05$) ва 3-гуруҳдаги ($5,5 \pm 1,6$ ммоль/л, $p < 0,05$) кўрсаткичлардан сезиларли даражада ошади. Триглицеридлар миқдорида ҳам фарқлар кузатилди: 1-гуруҳда у $6,3 \pm 1,7$ ммоль/л ни ташкил этиб, 2-гуруҳникидан ($4,2 \pm 1,3$ ммоль/л, $p < 0,05$) юқори бўлди, лекин 3-гуруҳдаги миқдорги деярли яқин бўлди. ЗПЛПнинг 3-гуруҳдаги миқдори ($3,7 \pm 1,8$ ммоль/л) 1 ва 2-гуруҳлардаги қийматлардан ошади (мос равишда $3,2 \pm 1,3$ ва $3,5 \pm 1,6$ ммоль/л, $p < 0,05$). ЗЮЛПнинг 3-гуруҳдаги миқдори ($0,95 \pm 0,16$ ммоль/л) ҳам 1 ва 2-гуруҳларга қараганда юқори бўлди (мос равишда, 1 ва 2-гуруҳда $0,85 \pm 0,17$ ва $0,92 \pm 0,13$ ммоль/л, $p < 0,05$). 3-гуруҳда гемоглобин концентрацияси ва гематокрит кўрсаткичи бошқа гуруҳлардагиларга қараганда юқори бўлиб (гемоглобин: $125,12 \pm 24,60$ г/л, гематокрит: $43,5 \pm 9,7\%$, $p < 0,05$), афтидан ушбу гуруҳдаги беморларда кислород алмашинувининг яхшиланганини кўрсатади. 1-гуруҳдаги HbA1C миқдори ($8,2 \pm 2,5\%$) 2-гуруҳдаги қийматлардан сезиларли даражада ошади ($7,1 \pm 2,1\%$, $p < 0,05$), лекин 3-гуруҳдаги қийматдан фарқ қилмайди. АЛТнинг фаоллиги ҳам 1-гуруҳда ($31,3 \pm 12,1$ бирлик) 2-гуруҳ ($26,3 \pm 13,4$ бирлик, $p < 0,05$) ва 3-гуруҳга ($22,3 \pm 11,3$ бирлик, $p < 0,05$) нисбатан анча юқори. Фибриногенда ҳам фарқлар кузатилди: 1-гуруҳда ($456,45 \pm 156,68$ г/л, $p < 0,05$) у 2-гуруҳ ($412,67 \pm 136,34$ г/л) ва 3-гуруҳга ($326,83 \pm 87,74$ г/л, $p < 0,05$) нисбатан юқори эди. Қисман тромбопластин вақти (АҚТВ) 3-гуруҳда ($29,2 \pm 8,6^{**}$ сония, $p < 0,05$) 1-гуруҳ ($29,2 \pm 8,6$ сония, $p < 0,05$) ва 2-гуруҳдаги ($25,2 \pm 7,4$ сония, $p < 0,05$) қийматлардан сезиларли даражада ошди. Тромбин вақти (ТВ) 3-гуруҳда $17,1 \pm 5,4$ сонияни ташкил этиб, бу 2-гуруҳга ($16,4 \pm 5,2$ сония) қараганда бир оз юқори, ammo фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятга эга эмас эди. Протромбин вақти (ПВ) 3-гуруҳда $10,8 \pm 2,6$ сонияни ташкил этди, бу 1 ва 2-гуруҳлардаги қийматлардан ошиб кетиб (мос равишда $9,9 \pm 2,1$ ва $10,3 \pm 2,4$ сония, $p < 0,05$), ушбу гуруҳдаги беморларнинг қон ивиш тизимидаги ўзгаришларни кўрсатиши мумкин.

Ўтказилган COVID-19 ва коморбидликка қараб ЮИҚ бўлган беморларда биокимёвий кўрсаткичларнинг таққосланиши.

	1 гуруҳ	2 гуруҳ	3 гуруҳ
Умумий холестерин, ммоль/л	7,3±2,7**	6,2±2,3*	5,5±1,6
ЗПЛП, ммоль/л	3,2±1,3	3,5±1,6	3,7±1,8*
ЗЮЛП, ммоль/л	0,85±0,17	0,92±0,13	0,95±0,16*
Триглицеридлар, ммоль/л	6,3±1,7*	4,2±1,3	5,5±1,6
Гемоглобин, г/л	115,25±22,45	112,25±20,25	125,12±24,60*
Гемотакрит, %	37,2±7,3	39,3±8,2	43,5±9,7*
НбА1С, %	8,2±2,5*	7,1±2,1	7,5±2,7
АЛТ, бир.	31,3±12,1*	26,3±13,4	22,3±11,3
АСТ, бир.	28,3±8,9	27,4±8,4	25,2±7,4
Билирубин, ммоль/л	14,6±6,3	12,5±5,8	10,2±4,3
Фибриноген, г/л	456,45±156,68**	412,67±136,34*	326,83±87,74
ФҚТВ, сония	21,0±5,6	25,2±7,4*	29,2±8,6**
ТВ, сония	15,6±4,8	16,4±5,2	17,1±5,4
ПВ, сония	9,9±2,1	10,3±2,4	10,8±2,6

Изоҳ: ЗПЛП – зичлиги паст липопротеинлар; ЗЮЛП – зичлиги юқори липопротеинлар; НбА1С - гликирланган гемоглобин; АЛТ - аланинаминотрансфераза; АСТ – аспаратаминотрансфераза; ФҚТВ – фаолаштирилган қисман тромбопластин вақти; ТВ – тромбин вақти; ПВ – протромбин вақти; * $P<0,05$; ** $P<0,01$;

6-жадвалда учта гуруҳга бўлинган беморларда юракнинг ультратовуш текшируви кўрсаткичлари келтириб ўтилган. Аортанинг ўртача диаметри 1, 2 ва 3-гуруҳларда мос равишда $3,0\pm 0,4$ см, $2,9\pm 0,6$ см ва $3,1\pm 0,7$ см бўлди. Гуруҳлардаги юракнинг аортал клапани ва чап бўлмачанинг кесилган ўлчамлари статистик жиҳатдан фарқ қилмади. Бироқ 1-гуруҳдаги чап қоринчанинг сўнги диастолик ўлчами ва сўнги систолик ўлчами 2 ва 3-гуруҳлардаги қийматлардан ошади (1,2,3-гуруҳларда мос равишда сўнги диастолик ўлчам $5,8\pm 1,4$ см, $5,4\pm 1,2$ см ва $4,9\pm 1,3$ см ҳамда сўнги систолик ўлчам учун 1,2,3-гуруҳларда $4,1\pm 0,9$ см, $3,9\pm 0,8$ см ва $3,6\pm 0,6$ см, $p<0,05$). Чап қоринчанинг сўнги диастолик ва систолик ҳажмлари ҳам 1-гуруҳда 2 ва 3-гуруҳларга солиштирганда сезиларли даражада юқори эди (сўнги диастолик ҳажм мос равишда $165,0\pm 45,0$ мл ва $102,6\pm 47,0$ мл; сўнги систолик ҳажм мос равишда $137,0\pm 35,0$ мл ва $89,6\pm 35,0$ мл, $p<0,05$). 3-гуруҳда чап қоринчанинг чиқариш фракцияси 1 ва 2-гуруҳларга қараганда юқори бўлиб (3-гуруҳда $54,5\pm 11,8\%$, 1,2-гуруҳларда $48,2\pm 8,7\%$ ва $50,6\pm 10,2\%$, $p<0,05$), ушбу гуруҳдаги беморларда юракнинг қисқариш функцияси яхши ишлаётганлигини кўрсатади. 1-гуруҳда қоринчалараро тўсиқ ва чап қоринча орқа деворининг қалинлиги ҳам 2 ва 3-гуруҳлардаги қийматлардан ошади (қоринчалараро тўсиқ мос равишда $11,6\pm 3,0$ мм ва $10,7\pm 2,8$ мм; орқа девор учун мос равишда $10,7\pm 2,8$ мм ва $10,2\pm 2,7$ мм, $p<0,05$). Чап қоринча кинетикасининг бузилиши

1-гурухдаги беморларда (25%) 2 ва 3-гурухдагиларга нисбатан тез-тез қайд этилди (мос равишда 13% ва 10%).

6-жадвал.

Ўтказилган COVID-19 ва коморбидликка қараб ЮИК бўлган беморларда юракнинг ультратовуш текшируви кўрсаткичларининг таққосланиши.

	1 гуруҳ	2 гуруҳ	3 гуруҳ
Аорта, см	3,0±0,4	2,9±0,6	3,1±0,7
Аортал клапан кесмаси, см	1,7±0,5	1,8±0,6	1,75±0,8
Чап бўлмача ўлчами, см	3,5±0,6	3,2±0,8	3,6±0,6
Чап қоринчанинг сўнгги диастолик ўлчами, см	5,8±1,4*	5,4±1,2	4,9±1,3
Чап қоринчанинг сўнгги систолик ўлчами, см	4,1±0,9*	3,9±0,8	3,6±0,6
Чап қоринчанинг сўнгги диастолик ҳажми, мл	165,0±45,0**	158,5±38,6*	137,0±35,0
Чап қоринчанинг сўнгги систолик ҳажми, мл	102,6±47,0*	96,6±44,5	89,6±35,0
ЧҚ отиш фракцияси, %	48,2±8,7	50,6±10,2	54,5±11,8*
Қоринчалараро тўсиқ қалинлиги, мм	11,6±3,0*	10,8±2,6	9,6±2,4
Чап қоринчанинг орқа девори қалинлиги, мм	10,7±2,8*	10,2±2,7	10,1±2,0
Чап қоринча кинетикасининг бузилиши, %	25*	13	10

Изоҳ: * $P<0,05$; ** $P<0,01$;

Бундан ташқари, функционал тестлар ёрдамида тадқиқ қилинаётган беморларда эндотелий функцияси баҳоланди. Бунда асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда елка артериясидаги эндотелийга боғлиқ вазодилатация даражаси таққосланди (1-гурухда 3,9±2,0%, 2-гурухда 4,3±1,8%, 3-гурухда 5,2±1,6% ва 4-гурухда 6,4±1,2). Эндотелий фаоллиги биомаркерлари орасида эндотелин-1, металлопротеиназа-3, юқори таъсирчан С-реактив оксиди, интерлейкин-6 ва α -ўсимта некрози омили назорат гуруҳидаги беморлар билан тадқиқотга киритилган беморларда таққосланди. Тадқиқот натижаларига кўра, COVID-19 ўтказган 2 тип қандли диабет фонида юрак ишемик касаллигига чалинган беморларда эндотелий фаоллиги биомаркерлари сезиларли даражада ошганлиги қайд этилди ($P<0,005$). Амалий соғлом шахсларга нисбатан барча асосий гуруҳлардаги беморларда эндотелин-1, металлопротеиназа-3, юқори таъсирчан С-реактив оксиди, интерлейкин-6 ва α -ўсимта некрози омили микдорида сезиларли даражада ўсиш аниқланди. Ушбу биомаркерларнинг сони 1 ва 2 гуруҳ беморларида сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди (7-жадвал, $P<0,005$).

Ўтказилган COVID-19 ва коморбидликка қараб ЮИК бўлган беморларда яллиғланиш олди маркерлари ҳамда эндотелиал вазодилатация даражаларини таққосланиши


	1 гуруҳ	2 гуруҳ	3 гуруҳ	Назорат гуруҳи
FMD, %	3,9±2,0**	4,3±1,8*	5,2±1,6*	6,4±1,2
Эндотелин-1, пг/мл	9,24±2,10**	8,74±1,82**	5,42±1,50**	0,18±0,04
ММП-3, нг/мл	1,83±0,67**	1,54±0,58**	1,24±0,43**	0,26±0,08
ютСРО, мг/л	1,52±0,46**	1,24±0,38**	0,75±0,29*	0,18±0,04
ИЛ-6, пг/л	3,82±1,14**	3,13±1,05*	2,14±0,89	0,52±0,28
TNF-α, пг/мл	3,85±0,96**	3,17±1,08**	2,74±0,85*	0,46±0,18

Изоҳ: * $P < 0,05$; ** $P < 0,01$; * $P < 0,05$; ** $P < 0,01$ 1-гуруҳ 3-гуруҳга қарши
